

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ САМАРКАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«АРХИТЕКТУРА» ФАКУЛЬТЕТИ

«ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ» КАФЕДРАСИ

«ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШ» фанидан

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ЖАМОА БОГДОРЧИЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИНИ ТУЗИШ**

**Бажарди: 401- ЕТ ва ЕК
Нортожиев Ш**

Кабул килди: доц. Давлатов

Ш

САМАРКАНД- 2011

**МАВЗУ: ЖАМОА БОГДОРЧИЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИНИ ТУЗИШ**

РЕЖА:

- 1. БОГДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК, ПОЛИЗЧИЛИК
 ШИРКАТЛАРИНИНГ ЕР ЭГАЛИКЛАРИНИ
 ШАКЛЛАНТИРИШ**
- 2. ЖАМОА БОГИ ХУДУДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

ЖАМОА БОГДОРЧИЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИНИ ТУЗИШ

1. Богдорчилик, узумчилик, полизчилик ширкатларининг ер эгаликларини шакллантириш

Ер тузиш жамоа богдорчилиги ва полизчилигини ташкил этиш учун катта аҳамиятга эга. Факат ер тузиш ёрдамида, жамоа богдорчилигини ташкил этиш учун ярокли, узининг табиий хусусиятлари буйича (жойнинг рельефи, тупроклар сифати, намланиш шароити ва бошк.) мева ва резавор экинлари талабларига жавоб берадиган участкаларни аниклаш мумкин. Ер тузиш жараёнида ер ажратишлар техник жихатдан тугри, иктисодий асосланган ва ҳукукий саводли расмийлаштирилади ҳамда богдорчилик ширкатлари ҳудудларини оқилона ички тузиш ва хужалик жихатидан узлаштириш ишлари амалга оширилади.

Жамоа богдорчилигини ва полизчилигини ташкил этиш учун ярокли ер фондини аниклаш, бу ерларни асосли таксимлаш ва улардан фойдаланиш зарурати сабабли, бундай ишларни туман ёки бошқа маъмурий-ҳудудий булинма (вилоят, республика ва ш.у.) ҳудудида жамоа богларини жой-лаштириш чизмасини ишлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

У жамоа боглари, келадиган автомобиль йулларини, сув таъминоти, алоқа, электр таъминоти объектларини куриш учун ер участкаларини боскичма-боскич ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жамоа богларини ташкил этиш учун туман ер тузиш чизмаларидан, махсус ер фондлари ахволини акс эттирадиган ерларни таксимлаш материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Жамоа богларини жойлаштиришда маълум талаблар бажарилиши керак бўлади.

1. Жамоа боглари чегаралари шундай белгиланадики, бунда, иложи борица тугри шаклдаги участка, уларни жойлардаги табиий чегаралари билан боглаб, ташкил этилсин. Бунда маҳаллий аҳоли, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар манфаатлари ҳисобга олинади (сув манбааларига, урмон массивларига, умумий фойдаланишдаги йуларга ва ш.у.бемалол чиқиш).

2. Ер участкаларини шундай жойлаштириш керакки, бунда, богбонларнинг участкага бориш ва орқага қайтиш вақтлари қисқариши таъминлансин; бу уларнинг нормал ишлашлари ва дам олишлари учун шароит яратади ва ердан фойдаланиш интенсивлигини оширади.

3. Узларининг табиий хусусиятлари буйича (ерлар унумдорлиги, мелиоратив ва маданий - техник ахволи) ажратиладиган ер

участкалари ер массивларини узлаштириш ва инженерлик инфратизимни ташкил этиш учун харажатларнинг минимал булишини таъминлаши керак.

4. Жамоа богларини жойлаштиришда табиатдан окилона фойдаланиш талабларига риоя килади. Бу табиатни муҳофаза қилиш чоралари тизими ҳисобига ҳамда бу боглар ёнида айрим фаолият турларини (саноат ва транспорт қурилиши, ерларни ёппасига узлаштириш, чорвачилик мажмуаларини ва бошқ. қуриш) чеклаш билан таъминланади. Жамоа богларини дарёлар ва сув хавзалари бўйларида жойлаштиришда сув муҳофаза минтакалари яратилиши, эрозия бор минтакаларда эса - эрозияга қарши тадбирлар лойиҳаланиши керак.

Ер тузиш жараёнида богдорчилик ширкатларини ташкил этишда қуйидаги асосий масалалар ечилади:

жамоа богдорчилиги ширкатини ташкил этиш тартибини белгилаш ва ерларни ажратиш бўйича ер тузиш ишини шакллантириш;

богдорчилик ширкатининг ер майдони бўйича улчамини белгилаш;

жамоа боғи ҳудудини ташкил этиш бўйича лойиҳани ишлаш мазмунини ва усулларини асослаш;

хусусий бог участкалари ҳудудларини ташкил этиш ва қуриш.

Богдорчилик ширкатларини тузиш тартиби ҳаракатдаги қонунлар бўйича аниқланади. У ташкил этилганидан ва руйхатдан ўтказилганидан кейин ер ажратиш тугрисидаги масала ечилади.

Богдорчилик ширкати бошқаруви ер тузиш бўйича лойиҳа институти, унинг филиали ёки туман ер тузиш хизмати билан ер тузиш ишини тайёрлаш учун шартнома тузади, у белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин, жойда ер ажратиш учун асос бўлиб хизмат килади. Ер ажратиш бир ойлик муддатда ер тузиш органлари томонидан амалга оширилади, кейин эса ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берилади.

Майдонни хусусий участкаларга бўлишга киришишдан ва уларни богбонлар орасида тақсимлашдан олдин жамоа боғи ҳудудини комплекс узлаштириш - мелиорация ва маданий-техник тадбирлари (ерларни сугориш, буталар ва майда дарахтларни олиб ташлаш, дунгликларни қирқиш, тошларни териш) ҳамда ҳудудни текислаш ва агроқимёвий маданий-лаштириш мажмуаси (дунгликлар ва чуқурликларни текислаш, упқонлар, қарьерларни қумиш, оҳаклаш, чуқур ҳайдаш ва бошқ.) амалга оширилади.

Қурсатилган тадбирларни ўтказиш, факат, жамоа боғи ҳудудини ташкил этиш ва қуриш лойиҳаси ширкат ҳудуди жойлашган туман ҳокимияти томонидан тасдиқлангандан кейин бошланиши мумкин.

Жамоа богининг тахминий умумий майдони II қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$\Pi = K \cdot P \cdot D,$$

бунда К - учасгкалар сони; Р - богдорчилик ширкати аъзосига ажратилган ер участкаси майдони; Д - куча тармоги узунлигини, умумий фойдаланишдаги участкалар ва бинолар мавжудлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

Жамоа богларидаги фукароларга бериладиган участкалар майдонини ер бераётган туман (шаҳар) ҳокимияти белгилайди. Д коэффициентининг киймати кичик боглар (30-100 га) учун 1,25, урта (101-300 га) - 1,22, катта боглар учун (300 га катта) - 1,19 килиб қабул килинади.

Ирригация ва мелиорация ишларини утказишда, сув хавзаларини яратишда ёки ҳудуд нишаблиги 8° катта булганда участканинг умумий майдони 5% купайтирилади. Зарур ҳолларда жамоа богининг ҳисобланган майдонига келадиган автомобил йуллари майдонлари ва муҳофаза килинадиган урмон участкалари майдонлари ҳам кушилади.

Ҳудудни ташкил этиш ва куриш лойихаси буюртмачи томонидан бериладиган ва богдорчилик ширкати ҳудуди жойлашган туман ҳокими томонидан тасдиқланган, лойихалаш учун топширик, асосида тузилади. Топширик ер тузиш хизмати ҳамда курилиш ва архитектура ишлари буйича, санитария ва инженерлик назоратлари органлари, бошка ер олишда ва улардан фойдаланиш характери узгаришида манфаатларига таъсир этиладиган ташкилотлар (кишлоқ, урмон ва сув ҳужаликлари органлари) билан келишилади.

2. Жамоа боги ҳудудини ташкил этиш

Жамоа боги ҳудудини ташкил этиш лойихасида куйидаги масалалар ечилади:

ҳудудни кишлоқ ҳужалиги учун узлаштириш, мелиорациялаш, ерларнинг маданий - техник аҳолини яхшилаш ва табиатни муҳофаза килиш буйича тадбирлар мажмуаси аникланади;

бог ҳудудида функционал минтакалар жойлаштирилади;

асосий йулар, кучалар, кириш йуллари ва инженерлик жихозлаш объектлари жойлаштирилади;

умумий фойдаланиш минтакаси ҳудуди тузилади;

шахсий бог участкалари минтакаси ҳудуди тузилади;

шахсий участкаларни текислаш амалга оширилади.

Булардан ташқари, ерларни узлаштириш ҳажми катта булганда:

ерларни сугориш усули танланади ва сугориш манбааси белгиланади;

магистрал каналлар тармоги жойлаштирилади ва уларнинг сугориш минтакалари аникланади;

куприклар ва йул тагига ташланадиган кувурлар куриладиган

жойлар аникланади;

маданий-техник ишларнинг хажми аникланади, киймати ва бажариш усуллари белгиланади (дарахтларни ва буталарни сугуриш, дунгликларни киркиш, ерларни текислаш, уларни маданийлаштириш ва ш.у.);

табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуаси лойихаланади.

Жамоа боғи ҳудудини узлаштириш бўйича асосий ишлар - сугориш ва зах қочириш, маданий-техник ишлар, бузилган ерларни рекультивациялаш, унумдор тупрок катламини ёткизиш, типрок қияликларни террасалаш, жарликларни ва сойларни яссилаш ва ш.у. - ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича ишланади. Бунда, сугориш ва коллектор тармоқларининг лойихаланган элементлари, кейинги лойиха ечимларини аникловчи яссиладиган жарликлар ва сойларнинг, террасаландиган қияликларнинг, рекультивацияландиган ҳудудларнинг улчамлари минтакалар ва боғ участ-каларининг белгиланган чегаралари билан боғланади.

Агар курсатилган иш турлари қушимча инженерлик изланишлар ва кидирувларни талаб этса, бузилган ерларни рекультивациялаш, мелиорациялаш, ер турларини кишлок ҳужалиги учун узлаштиришнинг ишчи лойихалари аник смета-молия ҳисоб-китоблари билан ишланади.

Жамоа боғлари ҳудудларини ташкил этишда иккита асосий минтака: шахсий боғ участкалари ва йуллар ва йулакчалар билан умумий фойдаланиш минтакаси ажратилади.

Жамоа боғларини ташкил этиш бўйича меъёрий талабларга мос тарзда, боғ участкаси учун ҳисобланган майдоннинг 75% кам булмаган, жамоа боғи ҳудудининг максимал мумкин булган қисми ажратилади. Боғ участкаларининг шакли иложи борица тугри шаклда томонлари нисбати 2:3 га яқин қилиб белгиланади.

Ички йуллар ва йулакчалар қизил чизик ичидаги кенглиги 6-8 м, минимал айланиш радиуси 6,5 м қилиб лойихаланади. Йулларнинг профили ва нишаблиги боғнинг барча ҳудудларидан ер усти сувларининг оқиб кетишини таъминлаши керак.

Шахсий участкалар гуруҳлари орасидаги кундаланг йулакчалар 400 м катта булмаган масофалардан утказилади.

Лойихалаш меъёрларига мос тарзда жамоа боғи ҳудудидаги йуллар ҳамда боғ ҳудудини умумий фойдаланишдаги йуллар билан боғловчи қелиш йули ҳар хил маҳаллий материаллар билан яхшиланган копламага эга бўлиши керак.

Йулаклар чорраҳалари орасида карама-қарши томонлардан келадиган машиналар утишлари учун утиш кенглигини қушиб, узунлиги 14 м ва кенглиги 7 м кам булмаган ажралиш майдончалари жойлаштирилади. Ажралиш майдончалари орасидаги масофа 200 м кам булмаслиги керак. Умумий фойдаланиш минтакасида, у бир неча участкалардан ташкил топиши мумкин, қоровулхона, бошқариш уйи

медпункт билан, артезиан кувури, шахта кудуги, болалар уйнайдиган ва спорт майдончалари, дуконлар, автома-шиналар турадиган жойлар, мева ва сабзавот омборхоналари, маъданли угитлар ва кимёвий моддалар омборхоналари, газ баллонлари, ахлат туплаш майдончалари, ёнгинни учиретиш воситаларини сақлаш учун бино ва бошқа иншоотлар жойлаштирилади. Уларнинг руйхатини, ҳамда ҳудудни ташкил этиш ва қуриш лойиҳаларини ишлашда майдон-арини аниқлаш учун фойдаланиладиган меъёрий маълумотлар 1 жадвалда келтирилган.

Умумий фойдаланиш минтақаси ҳудудида белгиланган майдондаги ер участкасига эга коровулхона қуриш ҳам мулжалланади.

Умумий фойдаланиш минтақасидаги бино ва иншоотлар бог участкалари чегараларига 4 м яқин жойлаштирилмаслиги керак. Ташқи ёнгин учиретишни таъминлаш учун ут учирувчи автомашиналарнинг сувни насослар билан олиш учун қурилмаларга эга, очик ёки ёпик сув хавзаларига келиш йуллари қўзда тутилади.

1- жадвал

**Жамоа богларида ҳурилиш учун ер ажратиш меъёрлари, 1
участкага м²**

Қурилишлар номи	Жамоа боглари		
	кичик	урта	йирик
Мажбурий қурилишлар:			
ёнгинни учиретиш воситаларини сақаш учун иншоотлар	0,5	0,4	0,25
ахлат йиғгичлар учун майдонча	0,1	0,1	0,1
автомашиналарнинг туриш майдончаси	1,1	1,1	1,1
Рухсат этиладиган қурилишлар:			
аралаш моллар дукони	2,5	2	1,5
боғдорчилик ширкати бошқаруви	0,5	0,5	0,5
болалар уйнайдиган майдонча	1,0	1,0	1,0
универсал жисмоний тарбия майдончаси	4,3	3,4	2,8
қучатхона	2,0	1,5	1,0
угитлар ва захарли кимёвий моддалар омборхонаси	0,1	0,005	0,95
газ балонларининг оралик омборхонаси	0,3	0,25	0,2
қурилиш ва таъмирлаш материаллари омборхонаси	0,8	0,7	0,6
сабзавот омборхонаси	1,0	0,9	0,8

мева омборхонаси	1,1	1,0	0,9
------------------	-----	-----	-----

Шахсий бог участкалари минтакаси кишлок аҳоли яшаш жойларини лойихалаш ва куриш талабларига мос тарзда тузилади.

Богдорчилик ширкати худудини тузиш мисоли 36 расмда келтирилган.


Богдорчилик ширкатлари аъзоларига улар учун ажратилган ерларда иситиладиган бог уйлари хамда хужалик биноларини (айрим турган ёки бирлаштирилган, уй паррандаларини ва куёнларни бокиш хужалик жихозларини, асбоб ускуналарини саклаш ва бошка эхтиёжлар учун) куриш ҳукуки берилади. Участкада иссиқхоналар ва бошка кишлок хужалик экинларини етиштириш учун иситилган тупрокли иншоотлар курилиши мумкин. Уйнинг ёки хужалик биносининг тагида ер ости хонасини (подвални) жойлаштиришга рухсат этилади.

Бог участкасида тез-тез амалга ошириладиган курилишларнинг анча катта улчамлари уни лойихалашни ва худудни тугри ташкил этишни талаб этади. Бунда, хам курувчиларнинг шахсий истаклари, уларнинг ландшафтли архитектура ва курилиш соҳасидаги талаблари, хам мажбурий ер тузиш, курилиш-лойихалаш, санитария-гигиена ва бошка талабларни ҳисобга олиш керак.

Богдорчилик ширкатининг ҳар бир курилиш ишчисига, унинг бог участкасига бош пландан кучирма берилади. Унда участканинг майдони, шакли, улчамлари (узунлиги ва эни), участканинг нотугри шаклида асосий чизиклар улчамлари, уйларни кизил чизиги, кварталнинг кизил чизиги, уйларнинг санитария ва ёнгинга қарши меъёрларни ҳисобга олиб жойлаштирилиши курсатилади.

Ҳар хил қисмлар улчамлари ва уларнинг участкада узаро жойлашишини, мевали ва резавор дарахтларининг, сабзаёт экинларининг жойлашишини богбоннинг узи аниқлаши мумкин.

Участкани режалашга киришиш учун бинолар, иншоотлар ва участкадаги ҳар хил экинларни жойлаштиришга қуйиладиган асосий талабларни билиш керак. Богдорчилик участкаси қуп мақсадли вазифага эга булганлиги учун, унинг худудини оқилона ташкил этиш анча мураккаб вазифа ҳисобланади. Бунда риоя қилиниши керак буладиган асосий талабларни санаб утамыз.



- - бог уйи
 ■ - хужалик блоки
 1- коровулхона бог участкаси билан
 2 – умумий хужалик иморатлари
 3- спорт майдончаск
 4 - автомашина туриш майдончаси
 — жамоа боги чегараси

1 - расм. Жамоа боги худудини ташкил этиш ва куриш мисоли.

1. Бог участкасида жойлаштирилган барча бинолар минимал санитария-химоя ва ёнгинга карши ораликларни саклаб жойлаштирилади. Меъёрларга мос бог участкаларидаги иншоотлар орасидаги минимал масофа куйидагиларни ташкил этиши керак:

паррандалар ва куёнлар сакланадиган бинодан бог уйигача - 7м;
 хожатхонадан бог уйигача -12м;

ер туладан компост чукурлиги ёки кутисигача, хамда паррандалар ва куёнларни саклаш учун биногача -7м;

кушни бог участкаси чегарасидан бог уйигача -3м, бошка биноларгача - 1 м, уй паррандалари ва куёнларни саклаш учун биноларгача -4м.

Мева дарахтларини утказиш бог участкаси чегарасидан 3 м кам булмаган, буталарни утказиш 1 м кам булмаган масофада амалга

оширилади.

Ёнгинга карши коида ёнадиган иморатлар орасидаги масофа 15 м, ярим ёнадиган (деворлари ва томи ёнмайди, тусинлар, дераза эшиклар ёнади) - 10 м кам булмаслигини талаб этади.

2. Богда хар бир участкага кулай келиш таъминланган булиши керак. Шунинг учун йулакларни шундай хисоб билан лойихалаш керакки, бунда, биноларга, усимликлар каторларига ва айрим дарахтларга минимал майдонни эгаллаб, энг киска ва кулай келиш мумкин булсин. Богда бош йулаклар кенглиги одатда 1-1,2 м, иккинчи даражалилариники - 0,3 м килиб лойихаланади. Аравача билан юриладиган йулаклар кенглиги 0,6 м, автомашиналар утадиганлариники - 2-2,5 м ташкил этиши керак.

Ер майдонини тежаш максатида автомобиллар учун гараж иложи борича уйнинг пастки кисмида курилади; акс холларда у айрим курилади, унинг улчамлари одатда 3x5 м кам булмайди. Катор холларда 2,5-4,5 м улчамдаги автомобил куйиш учун майдончани куриш билан чекланиш мумкин. Гаражни ёки автомобил турадиган майдончани шундай жойлаштириш керакки, бунда ундан асосий йулга кулай чикиш таъминлансин.

3. Дарахтлар, буталар ва сабзавот экинлари етарлик озикланиш майдонига эга булишлари керак. Богда маданий усимликларнинг тавсия этилган жойлашиш тартиби ва уларнинг 1 одам хисобига илмий асосланган истеъмол меъёрларини хисобга олиб аникланган тахминий майдони 52 жадвалда келтирилган. Агар бу маълумотларга юзланадиган булсак, 600 м² майдонли участкага эга 4 одамдан иборат оилага полиз экинлари учун - 157 м², мевали ва резавор дарахтлари учун - 360 м², бинолар, йулар ва бошка иншоотлар учун -83 м² ер ажратиш керак булади.

4. Богда усимликларни жойлаштиришда куёш ёруглигидан ва иссикликдан фойдаланиш учун энг яхши шароитларни таъминлаш керак. Баланд усадиган усимликлар паст усадиганларга соя солмасликлари керак, бу уларнинг баландликларини шимолдан жанубга караб пасайтиришни талаб этади.

Баланд усадиган дарахтлар одатда ягона участка килиб, богнинг шимолий кисмида ёки ховли томонидан уйдан бироз чекинтириб жойлаштирилади. Улар тагида сояга чидамли манзарали усимликларни экиш мумкин.

Резавор буталари ва облепиха учун пасткам, захланган, етарлик даражада ёритилган, шамолдан яхши химояланган жойни ажратиш мумкин.

Кулубнай куёшни яхши куради, шунинг учун уни дарахтлардан ажратиб мустакил массивда жойлаштирган яхши.

Куёш ёруглиги яхши тушиши учун сабзавот экинлари каторлари хамда иссихоналар шимолдан жанубга караб йуналтирилади ва унумлироқ участкаларда жойлаштирилади. Шунинг эсан чикармаслик

керакки, сабзаёт экинлари, одатда, органик угитларнинг оширилган меъёрларини ва доимий сугоришни талаб этади, шунинг учун, уларни гунг уюмлари ва сугориш тармоги ёнида жойлаштириш керак.

2-жадвал

Бор участкасида мева, резавор ва сабзаёт экинларининг жойлаштириш тартиби ва майдони.*

Экинлар	Масофа, см		Зарур ер майдони, м ²
	Каторлар орасидаги	катордаги	
1	2	3	4
Уругдан экилган пайвандтагли нок	500-600	400-500	5
Карлик пайванд тагли нок	250-300	200-250	5
Уругдан экилган пайвандтагли олма	400-500	200-300	7-15
Карлик пайвандтагли нок	200-300	100-200	7-15
Олхури	300-400	200-300	6
Олча	200-300	150-200	9
Смородина	100-150	60-70	9-17
Крижовник	150	70-100	2-3
Малина	100-150	30-50	7-25
Кулупнай	60-80	15-20	5-20
Облепиха	200-300	150-200	4-16
Картошка	50-60	30-35	9
Сабзи	10-12	20-4	2
Лавлаг	15-20	8-10	2
Пиёз	10-15	4-6	3
Редиска	6-8	4-6	2
Бодринг	70-80	4-6	3
Помидор	60-70	20-40	8
Карам	40-60	25-30	10

**А.С.Косякин, А-С-Никулин, А.С.Смирнов. Землеустроительные работы в садоводческом товариществе. М.: Недра, 1988.47-68 б. маълумотлари буйича тузилган*

5. Тупрок унумдорлигидан яхшироқ фойдаланиш, экинлар ххосилдорлигини ошириш, зараркунандалар ва касалликлар билан курашнинг биологик усуллари куллаш учун: бог, резавор ва экинлар алмашлаб экишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу мақсадда қуйидагиларни бажариш керак:

хар йили сабзаёт экинларини экишни ва кучатларни утказишни

уларнинг тутри алмашилишига ва энг яхши экинлардан кейин жойлашилишига риоя қилиб утказиш;

дарахтларни экишни ҳар хил йилларда ва иложи борича навлар ва турларнинг кенг таркиби билан бажариш; бу ҳосилнинг текис олинишини, совук уришдан яхши химояланишини, зарарқунандалар ва касалликлар билан кам зарарланишини, ҳамда кучатларни уз вақтида таъмирлаш ва тузатишни таъминлайди;

резавор буталарини туртта тенг қисмга бўлиб, 2-3 йилдан кейин экиш; шунда 25% дан майдон экишга тайёргарлик, устириш, интенсив мевалаш ва мевалашдан чиқиш босқичларида бўлади.

6. Очик ҳавода дам олиш учун усимликлар орасида майдонча жихозланади. Бу жой айвон ёнида танланиши ва одам бўйи баландлигидаги яшил девор билан урालиши мумкин. Унинг ичида стол ва стуллар қўйилади. Шу ерда болалар майдончаси ҳам қўрилиши мумкин, шу тарзда, уйнаётган болаларни доимо қузатиб туриш ҳам мумкин бўлади. Кичик болалар учун қум солинадиган жой, каттароклари учун - аргимчок қўрилади. Уларнинг ёнида гулзорларни жойлаштириш мумкин.

7. Фуқароларнинг томорка ерларида, ҳамда катта майдонли бог участкалари (0,15 гектаргача) ажратиладиган минтакаларда, уларда чорва молларини ҳам саклашга руҳсат этилади ва уларга қўрилган бинолар уларни нормал парваришлаш ва озиклантиришни таъминлаши керак. Вазифаларига боглик ҳолда, улар ҳар хил улчамларда бўлишлари мумкин: молхоналар 8-10 м², баландлиги 2,5м; чучкахоналар 3-5 м² (она чучка учун 6 м²), баландлиги 2,5-2,6 м; битта қўй ёки эчки учун 1,5-2 м²; паррандалар учун 2-3 м².

Материаллар ва ер майдонини тежаш мақсадида, бир неча хужалик бинолари, одатда, битта бинога бирлаштирилади. Бунда, қандай турдаги ва сондаги моллар ва паррандалар участкада сакланиши ҳисобга олинади. Хужалик блоки атрофида моллар бутун участка бўйлаб юрмасликлари учун уралган, моллар буш юрадиган майдонча (6-8 м²) қўрилади. Бирлаштирилган хужалик биноларининг огилхона билан бирга улчамлари, асосан, қорамоллар учун 6,5х4,5 м, майда молларга ва паррандаларга огилхона билан 4х3 м қилиб лойихаланади.

Хужалик бинолари участканинг охирида қўрилади ва иложи бўлса, уларга айрим қелиш йули ташкил этилади. Уйгача, гунг уюмигача, ҳожатхона ва ахлат йигиладиган жойгача бўлган минимал масофа 10м кам бўлмаслиги, молхонагача - 12 м кам бўлмаслиги, қудукдан юқорида қелтирилган объектларгача - 20 м кам бўлмаслиги керак.

Бог участкасини режалаш қиришдан (эшикча ёки дарвозадан) уйгача, асосий минтакаларга ва бог участкасининг объектларига (молхона, хужалик бинолари ва ш.у.) борадиган асосий йулакдан бошланади. У бўйлаб қувур утказгичларни ёки сугориш учун юмшоқ

кувурларни тортиш тавсия этилмайди. Кенглиги 1-1,2 м, асосий йулакдан богнинг асосий функционал минтакаларини узаро богловчи кенглиги 0,3-0,6 м бог йулакчалари таркалади. Улар уй ва хужалик биноларининг жойлашишидан келиб чикиб, ерларнинг унумдорлигини, жойнинг рельефини, мевали дарахтлар ва резавор экинларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб жойлаштирилади.


Бог участкаси ҳудудини тузиш мисоли 2 расмда келтирилган.


Жамоа боги ҳудудини ташкил этиш ва куриш лойихаси таркибига киритиладиган материаллар 3 жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Лойиханинг ёзма ва чизма ҳужжатлари руйхати

Т.р.	Чизма ва ёзма ҳужжатлар	Жамоа боги учун ажратилган ҳудуд буйича масштаб
1	2	3
1.	Жамоа богининг туман ҳудудида жойлашиш чизмаси	1:50000-1:100000
2.	Лойихалаш чеклашлари билан ҳудуддан фойдаланиш плани	1:1000 - 1:2000
3.	Аник режалаш лойихаси билан бирлаштирилган Бош план	1:1000-1:2000
4.	Юзани текислаш лойихаси	1:1000-1:2000
5.	Лойгохани жойга кучириш чизмаси	1:1000-1:2000
6.	Инженерлик тармоклари чизмаси	1:1000-1:2000
7.	Сув таъминоти, электр таъминоти	1:1000-1:2000
8.	лойихаси	
	Умумий фойдаланиш минтакасини	1:200-1:500
9.	режалашнинг айрим қисмлари	1:200
10.	Бог участкаларини режалаш	
11.	Тушунтириш хати ва смета-молия ҳисоб-китоблари	
	Ёзги бог уйчалари ва бошқа қурилишларнинг намунавий лойихалари паспортлари	





- (В) - сув сақлагич
 • - облепиха
 О - смородина (кл--кизил, о-ок, кр-кора)
 ○ - олма
 К - гунг чуқури
 □ - гулзор

VI	дала...т.р
15	майдони, м ²

 X - манзарали буталар Д - крижовник
 Δ - крижовник
 ◇ - наъматак
 О - сирен
 ●●● - малина
 Д - душ
 - гуллар
 Х - хожатхона

2- расм. Шахсий бог участкаси худудини тузиш чизмаси